

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 872-ҳадис

872 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فِي حَدِيثِ الْمُسِيِّ صَلَاتِهِ: أَنَّهُ جَاءَ فَصَلَّى، ثُمَّ جَاءَ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَسَلَّمَ عَلَيْهِ، فَرَدَّ عَلَيْهِ السَّلَامَ، فَقَالَ: «ارْجِعْ فَصَلِّ؛ فَإِنَّكَ لَمْ تُصَلِّ» فَرَجَعَ فَصَلَّى، ثُمَّ جَاءَ فَسَلَّمَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، حَتَّى فَعَلَ ذَلِكَ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 757، م 397].

872. Абу Хурайра розияллоху анхудан намозини ёмон ҳолда ўқиган киши ҳақида ривоят қилинади:

У келиб намоз ўқиди. Сўнгра Набий соллаллоху алайҳи васаллам ҳузурларига келиб салом берди, у зот унинг саломига алик олгач, «**Қайтиб бориб**, (бошқатдан) **намоз ўқи, чунки намоз ўқимадинг**», дедилар. У қайтиб намоз ўқиди. Сўнгра келиб, Набий соллаллоху алайҳи васалламга салом берди. Ҳаттоки, шуни уч марта қилди.

*Муттафақун алайҳ.*

**Шарҳ:** Бошқача ривоятда қуйидагича келган:

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам масжидга кирдилар. Бир одам ҳам масжидга кирди ва намоз ўқиди. Сўнгра келиб, Набий соллаллоху алайҳи васалламга салом берди. Бас, Набий соллаллоху алайҳи васаллам унинг саломига жавоб бердилар ва:**

**«Қайт, бориб намоз ўқи, сен намоз ўқиганинг йўқ», дедилар. У бориб намоз ўқиди. Сўнгра келиб Набий соллаллоху алайҳи васалламга салом берди. Бас, у зот:**

**«Қайт, бориб намоз ўқи. Сен намоз ўқиганинг йўқ», дедилар. Уч марта шундоқ бўлди. Бас, шунда ҳалиги одам:**

**«Сизни ҳақ ила юборган зот ила қасамки, бундан яхши ўқий олмайман, менга ўргатинг», деди.**

**У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қачон намозга турсанг, такбир айт. Сўнгра ўзингга муяссар бўлганича Қуръондан қироат қил, кейин хотиржам бўлгунингча рукуъ қил, сўнгра ғоз туриб тиклан, сўнгра хотиржам бўлиб сажда қил, кейин бошингни кўтариб хотиржам бўлиб ўтир, сўнгра хотиржам бўлиб сажда қил. Кейин намозингнинг ҳаммасида шундоқ қил», дедилар».**

*Имом Бухорий, Муслим, Термизий ва Насай ривояти.*

Абу Довуд:

**«Бас, қачон шуни қилсанг, намозинг тўлиқ бўлади. Бундан бирор нарсани кам қилсанг, намозингдан кам қилган бўласан», деган зиёдани келтирган.**

Ушбу ҳадиси шариф муҳаддис ва фақиҳ уламолар орасида намозини ёмон ўқиган одамнинг ҳадиси номи билан машҳур бўлган. У намознинг сифати ҳақида ўта муҳим ҳукмларни ўз ичига олган буюк ҳадисдир.

Унда **масжидга кириб келиб, намоз ўқиди**, дейилган кишининг исми Холид ибн Рофеъ бўлиб, Насай қилган ривоятга кўра у икки ракат намоз ўқиган.

Ушбу ҳадисдан олинадиган хулосалар:

1. Масжидга кирган одам аввало намоз ўқиши кераклиги.
2. Бошлиқ ўзига тобеълар қилаётган иш шариатга мосми йўқми, қараб туриши лозимлиги, хато бўлса, тузатиб қўйиши.
3. Намоз ўқиб бўлгач масжиддагиларга салом бериш.
4. Саломни эшитган киши дарҳол алик олиши. Саломга алик вожиблиги шу ҳадисдан олинган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам аввал саломга алик олиб, сўнг хатони тўғрилашга киришганлар.

5. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Қайт, бориб намоз ўқи. Сен намоз ўқиганинг йўқ»**, деганларини уламолар икки хил таъвил қилганлар.

Баъзилари – унинг намози бутунлай намоз бўлмаган, десалар, бошқалари, унинг намози комил намоз бўлмаган, чунки ҳадиснинг охирида: **«Бундан бирор нарсани кам қилсанг, намозингдан кам қилган бўласан»**, демоқдалар, дейишади.

6. Бир нарсани яхши билмаган одам эътироф қилиб, билган одамдан ўргатиб қўйишни сўраши кераклиги.

7. Билган одам эса аввал билмаган одамнинг иши хато эканини мулойимлик билан тушунтириб қўйиши лозимлиги.

8. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Қачон намозга турсанг, такбир айт»**, деганларидан намозга кириш такбир билан бўлишини ва такбир фарз эканини билдиради.

9. **«Сўнгра ўзингга муяссар бўлганича Қуръондан қироат қил»** деганларидан намозда қироат фарз экани ва у муяссар бўлганича ўқилиши чиқади.

10. **«Хотиржам бўлгунингча»** дейилганидан рукуъ ва саждада хотиржам бўлгудек ҳолат вожиблиги чиқади.

Бунинг энг кам миқдори ҳанафий мазҳабида рукуъда «Субҳана Роббиял азим»ни, саждада «Субҳана Роббиял аъла»ни шошмай уч мартадан айтиш билан белгиланади.

Кўпчилигимиз бу нарсага унча эътибор бермаймиз. Ўша намозни камчилик билан ўқиган одамга ўхшаб номига, тезда рукуъ ва сажда қиламиз. Аслида эса рукуъда ҳам, саждада ҳам тасбиҳларни ўн мартадан айтиш керак.

11. Шунингдек, рукуъдан ҳам ғоз туриб, қоматни ростмана тўғрилаш керак. Баъзиларга ўхшаб бошни кўтариб, кўкракни бироз тўғрилаб саждага кетавериши керак эмас.

12. Биринчи саждадан бошни кўтарганда ростмана, хотиржам бўлиб ўтириш кераклиги.

13. **«Кейин намозингнинг ҳаммасида шундоқ қил»** деганларидан ҳар бир ракат намозда юқорида зикр қилинган нарсалар бўлиши лозимлиги билинади.

14. Намознинг арконларидан бирортасини бузган одам уни қайта ўқиши вожиблиги.

15. Олим одам сабр ила билмаганларга шариат амалларини таълим бериши зарурлиги.

Ҳар биримиз бу ҳадисни яхши ўрганиб, унга амал қилиб, намозимизни яхшилаб ўқишимиз лозим.

Ҳанафий уламолар юқорида ўтган ҳадиси шариф ва бошқа далилларни чуқур таҳлил қилганларидан сўнг намоз ўқишнинг қуйидаги тартибини баён қилганлар.

«Қиблага қараб, тик туриб, чўзмасдан «Аллоҳу акбар» деб такбир айтади ва икки қўлининг бош бармоғини икки қулоғининг юмшоқ жойига теккизади. Сўнгра ўнг қўлини сўл қўли устига қўйиб боғлаб киндиги остига қўяди.

Кейин ичида сано ўқийди:

«Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табарокасмука ва таъала жаддука вала илаҳа ғойрук».

Сўнгра ичида «Аъзу биллаҳи минашшайтонир рожим. Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм»ни айтади.

Агар намозхон имомга иқтидо қилган бўлса, санодан бошқа нарсани айтмайди. Чунки у қироат қилмайди.

Якка намозхон кейин «Фотиҳа» сурасини қироат қилади ва охирида овоз чиқармасдан «омин» дейди. Овоз чиқариб қироат қилинса ҳам «омин»ни ичида айтади.

«Фотиҳа» сурасидан кейин бошқа бир сура ёки камида уч оят тиловат қилади.

Қироатдан фориғ бўлганида такбир айтиб, икки қўлини кўтармасдан рукуъга боради. Рукуюда болдирларини тик тутган ҳолида икки қўли билан тиззаларини чангаллаб туради. Бошини эгмайди. Орқасини тўғри тутади. Рукуюда турганда камида уч марта «Субҳана Роббиял азийм» дейди.

Кейин ёлғиз намозхон «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ»ни айтиб тикланиб бўлгандан кейин «Роббанаа лакал ҳамд» дейди.

Имом фақат «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ»ни айтади. Иқтидо қилувчи фақат «Роббанаа лакал ҳамд» дейди.

Сўнгра ўзини ғоз тутиб турганидан кейин такбир айтиб саждага кетади. Саждага кетаётганида аввал икки тиззани, кейин икки қўлни ва икки қўл орасига бошини қўяди. Саждада турганида қўлларнинг панжалари қиблага қараб туриши керак. Шунингдек, пешонаси ва бурни ерга тегиб, қўлтиқлари очилиб, қорни сонларига тегмай туради. Оёқларининг панжалари ҳам қиблага қараб туради. Саждада турганда камида уч марта «Субҳана Роббиял

аъла» деб тасбиҳ айтади.

Кейин такбир айтиб саждадан бошини кўтариб, хотиржамлик билан ўтиради. Ўтирганда икки қўлини оддий ҳолатда икки сони устига қўяди.

Сўнггра такбир айтиб яна саждага боради ва камида уч марта «Субҳана Роббиял аъла» деб тасбиҳ айтади.

Кейин такбир айтиб, қайта ўтирмасдан ва суянмасдан ўрnidан туради. Саждадан аввал бошини, кейин икки қўлини, ундан кейин икки тиззасини кўтариб иккинчи ракатга туради.

Иккинчи ракат ҳам худди биринчи ракатга ўхшайди. Фақат иккинчи ракатда такбири таҳримий, сано, аъзузу ва бисмиллоҳ бўлмайди.

Иккинчи ракатнинг иккинчи саждасини қилиб бўлганидан кейин чап оёғини ёзиб, унинг устига ўтиради ва ўнг оёғини тик қилиб панжаларини қиблага қаратиб ўтиради. Ўнг қўлини ўнг сони устига, чап қўлини чап сони устига панжаларини ёйган ҳолда қўяди. Кейин ташаҳхудни ўқийди:

Агар намози икки ракатли бўлса, ташаҳхуддан кейин «Аллоҳумма солли ала» ва «Аллоҳумма барик ала»ларни ўқийди. Сўнг дуони ўқиб бўлиб «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи», деб ўнг ва чап томонларига қараб салом беради.

Агар намози уч ёки тўрт ракатли бўлса, икки ракатнинг ташаҳхудини тамомлаганидан кейин учинчи ракатга туради ва худди иккинчи ракатга ўхшатиб намозини давом эттиради. Намознинг охирида ўтириб ташаҳхуд, саловот ва дуоларни ўқиб салом беради.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI